

РАҚОБАТДА ТАНАФФУС БЎЛМАЙДИ

Бошланғич ташкилот раҳбари Нарзулло Раҳимов бир вақтнинг ўзид...



2

"GUARDIAN" ИНҚИРОЗ АЙБДОРЛАРИ РЎЙХАТИНИ БЕРДИ

Эътирозлар таниқли сиёсатчилар қатори "бизнес акула"ларига ҳам билдирилди.



3

ҚОСИМОВ ТАНАЛАНГАН УСУЛ

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг сафарда Бирлашган Араб Амириклари футболчилари устидан зафар кучишни таъминлади



4

ADOLAT Inson manfaatlari — oliy qadriyat

№ 4 (708) 2009 йил, 30 январь, жума

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI Ижтимоий-сиёсий газета adolat_gazeta@mail.ru 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

МАЪНАВИЯТНИНГ МАФТУНКОР КУЧИ

Бугунги кун мавзуси

7 кун нафаси


Инсоният тарихи ибратли сабоқлардан иборат. Ҳар бир миллат ўз тарихий илҳозларини, ўтмиш аж- доллари, ота-боболари босиб ўтган йўлни чуқур би- лиши, асрлар давомида шаклланган, ҳаёт синовлари- дан ўтган, чин маънода миллий бойликка айланган маънавий қадриятларни унутмаслиги лозим.

Ер юзиди ҳаёт пайдо бўлибдики, инсон зоти ўз турмуш тарзини яхшилаш- га, кечагидан кўра яхшироқ яшашга, фарзандлари иқболлини кўришга интилади. Ҳар бир халқ ижтимоий адолат, фаровонлик йўли- ни тутар экан, табиийки, шу ният йўлида ҳаракат қи- лади, шу орзу билан яшайди, келажикга умид ва ишонч кўзи билан қарайди.

Дунёда шундай мамла- катлар борки, табиий бой- ликлари, жўрофий жойла- шишлари ҳисобига туриш- турмушда қийинчилик нима эканлигини асло билиш- майди. Аммо чинакам ро- хат-фароғатга, адолат ме- зонларига фақатгина шу- нинг ўзи билан эришиб бўлмайди. Ҳаётда инсон қалби, онг-тушунчаси, маъ- навий олами, имон-эти- қоди, инсоф-диёнати би- лан боғлиқ ҳолатлар ҳам юзага келадик, улар ол- дида бехисоб куч-қудрат, бойлик ҳам ожизлик қи- лиши мумкин.

Юртбошимиз Ислоҳ Каримовнинг "Юксак маъ- навият — енгилмас куч"

(Давоми 2-бетда.)



ЯНГИ ДАСТУР

Қарши шаҳрида Европа тикланиш ва тараққиёт банки "BAS" дастурининг тақдими бўлиб ўтди. Унда иштирок этган тадбиркор- лар ва ишбилармонлар мамлакатда Япония ҳукума- тининг кўмағида фаолият бошлаган янги дастурнинг мақсад ва йўналишлари би- лан яқиндан танишдилар.

ЗАМОНАВИЙ КОРХОНА

"Хазораспексил" масъулияти чекланган жамияти "Асакабанк"- нинг молиявий кўмағи- да модернизация қи- линди. Эндиликда кор- хонада енгил санаот тўқимачилик маҳсулоти тайёрлаш ва ғилам тўқишда ишлашнинг жаҳон андозалари талабларга тўла жавоб бе- радиган ип-калав ва иш- лаб чиқармоқда. Корхо- на қуввати йилига 2200 тонна ташкил этади.

ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ

Пекинда "Санъат ва дунё" халқаро симпозиуми дои- расида хитойлик ва хориж- лик rassomlar суратлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда намойиш этилган Ўзбекистон халқ rassomi Акмал Нур мўйқаламига мансуб асарлар ҳам кўргаз- ма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТ

Норин туманида "Ҳақ- текс" тўқув-тиқув кор- хонаси иш бошлади. Эллик икки минг АҚШ доллари миқдоридида бошланғич сармоя эва- зига бу ерга хорижий энг янги тўқув ва тиқув дастохлари сотиб оли- ниб, ўрнатилди. Корхо- нада ойига 50 минг дон болалар кийим- лари ишлаб чиқарила- ди. Айни пайтда маҳсу- лотларга хорижликдан қизиқиш билан қараш- моқда.

ЛИБОСЛАР КЎРГАЗМАСИ

Фарғона шаҳрида "Миллий либослар — замон билан ҳамнафас" деб номланган кўргазма ўтказилди. Шаҳар ҳокимлиги ва хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида таш- қил этилган маъруза тадбир- да маҳалла фуқаролар йи- гинлари, ўқув юртлири, таш- қилот ва муассасаларда меҳ- нат қилаётган хотин-қизлар ўзлари тиккан миллий либос- лар билан иштирок этди.

ЭКСПОРТБОП КИЙИМЛАР

Янгиердаги "Мосян- текс" Ўзбекистон-Рос- сия кўша корхонаси ишга туширилши ёшлар учун катта имко- ният яратди. Бониси 80 нафар маҳаллий қизлар иш билан таъминланди. Замонавий дастохлар ўрнатилган кўша кор- хонада ҳозирда турли кўринишдаги болалар спорт кийимлари ти- қилмоқда. Маҳсулотлар харидорғир бўлганлиги учун юз фоиз чет элга экспорт қилинаётир.

Ижроқўм йиғилиши

"АДОЛАТ" СДП: ЯНГИЛИНИШ ПАЛЛАСИДА

Бу — партия Сп сий Кенгаши Ижроқўм Кўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида яна бир бор намо — н бўлди

Пойтахтимизда Ўзбекистон "Адолат" социал-демок- ратик партияси Сийсий Кен- гаши Ижроқўм Кўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Сийсий Кенгаш ва Олий Мажлис Қонунчи- лик палатасидаги фракция аъзолари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари ишти- рок этган ушбу йиғилишда "Адолат" СДП томонидан 2008 йилда амалга оширил- ган ишлар ҳақида сўз юри- тилиб, 2009 йилги партия фаолиятини жонлантириш стратегик концепцияси му- хокама этилди.

Партия Сийсий Кенгаши раиси Исмоил Саифназаров йиғилишда "Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг 2008 йилдаги фаолиятининг асосий натижаларига бағишлаб маъруза қилди.

Маърузада таъкидланган-

ги Конституциявий Қонун соҳадаги қонунчилик база- сини мустаҳкамлаб, пар- тиялар фаолиятини янада кучайтирди, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фаолият юри- таётган фракциялар масъу- лиятини янада оширди. Бир сўз билан айтганда, мавжуд сийсий партиялар- нинг салмоғи, савияси, им- конияти ошди.

Бу ўз навбатида мавжуд партиялар орасида кескин рақобат муҳитини вужудга келтирди. Бундай жараён- да фақат кўпсонли электро- ратни шакллантирган, хайрли ишлари билан халқ орасида обрў-эътибор козongan ҳамда маънавий ва сийсий жиҳатдан етук етакчилар захирасига эга бўлган сийсий партияга на- галабага эришиши мумкин. "Адолат" СДПнинг марказ ва худудлардаги раҳбар органлари ва ташкилот- лари томонидан 2008 йил- да олиб борилган таш- қилот-партиявий ва го- вий-сийсий ишлар натижа- сида қатор ютуқларга эри- шилди. Жумладан, ўтган йилда партия аъзолари сони 10 мингтага ошиб, қарийб 75 минг кишини ташкил этган.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ МОДЕЛИ

юртимизни турли салбий жараёнлар ҳамда инқирозлар таъсиридан сақлайдиган мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилмоқда

Мамлакатимизда иқтисодийни мо- дернизациялаш ҳамда ислоҳ қилиш- ни изчил ва босқичма-босқич амалга оширишнинг ўзига хос модели жа- ҳонда юзага келган молиявий-иқти- содий инқироз шароитида ўзининг нақадар тўғри эканлигини намойён эт- моқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 2008 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конститу- циясининг 16 йиллигига бағишланган йиғилишида жаҳонда рўй бераётган инқирозга қуйидагича таъриф берди- лар: "Бу инқироз Америка кўша шта- ларида ипотекали кредитлаш тизими- да рўй берган танглик ҳолатидан бош- ланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий ин- қирозга айланиб кетди. Дунёнинг етак- чи фонд бозорларида энг йирик ком- паниялар индекслари ва акцияларнинг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Булар- нинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кес-

кин пасайиб кетиши билан боғлиқ иш- сизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди". Шунингдек, ушбу йиғилишда давлатимиз раҳбари бу- тун дунёни қамраб олаётган молия- вий-иқтисодий инқирознинг сабаблари ва оқибатлари ҳамда ундан чиқиш борасида ўзининг хулосаларини бер- дилар.

Молиявий-иқтисодий инқироз дунё- нинг энг йирик инвестицион банклар- нинг ва суғурта компанияларининг банкрот бўлишидан бошланганлиги- ни эътироф этиш жоиз. Мутахассисларнинг фикрича, юзага келган мураккаб молиявий-иқтисодий вазиятнинг асосий сабаблари сифа- тида инвестицион банкларнинг капи- талига қўйилган норматив талаблар- нинг пасайириб юборилиши, ипотека кредитлари бериш талабларининг асосиз бўлаштириб юборилганлиги ҳамда айрим мамлакатлар марказий банклари томонидан фойз ставкаларининг ҳаддан ташқари камайирили- ши ва бошқалар қайд этилмоқда. Бу- гунги кунда АҚШ, Буюк Британия, Рос- сия ҳукуматлари ва Европа марказий банки молиявий-иқтисодий барқарор-

лики таъминлаш ва банк тизimini инқироздан сақлаш мақсадида фав- қулодда чора-тадбирлар кўрмоқда.

Бу ерда Ўзбекистонда банк-молия тизимининг барқарорлиги қайси омишлар ҳисобига сақланиб қолинга- нига қисқача тўхталиб ўтсак. 90-йил- ларнинг охирида Россияда ва бир қатор Осиё мамлакатларида ҳозир- даги каби чўқур молиявий инқироз юз бергани ёдимизда. Мухтарам Президентимиз томонидан маъруз ин- қирознинг асосий сабаблари ва оқи- батлари чўқур таҳлил қилиниб, мил- лий банк — молия тизими барқарор- лигини таъминлашнинг қуйидаги та- мойиллари белгилаб берилган эди.

Республикамиз молия бозорига қисқа муддатли спекулятив капитал ки- ришига йўл қўймастик ва асосий эъти- борни хориждан тўғридан-тўғри ин- вестияларни реал секторга жалб қилишга қаратилди. Масалан, бирги- на 2007 йилда реал секторга жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий ин- вестиялар ҳажми 1 миллиард дол- лардан ошди.

(Давоми 3-бетда.)

Бошланғич ташкилотлар фаолиятдан

РАҚОБАТДА ТАНАФФУС БЎЛМАЙДИ

Сийсатда одамларни оҳанграбдек ўзига тортиб турувчи куч, жозоба бўлиши керак, — дейди суҳбатдошимиз Нарзулло Раҳимов. — Ло- ақал беш-ун дақиқалик суҳ- бат қандай натижа берган- лигини билиш учун тинглов-

чининг кўзига тик қаранг, қалбига назар солинг. У ни- мани уйлаётгани-ю сиз нимани сўйлаётгани- дарров уқиб оласиз. Очиғи сийсатнинг жозибаси унинг ҳаққонийли- гига. Маслақдош пайдо- қилиш, партия гоёларини

одамлар онгига синдириш учун сийсатчининг ўзи ҳаёт синовларидан ўтган бўлиши керак. Нарзулло Раҳимов бир ярим минг нафар ўқувчи таъ- лим олаётган, 120 нафар пе- дагог уларга таҳсил бераёт-

ган Тайлоқ туманидаги 47- мактаб қошидаги "Адолат" СДПнинг бошланғич ташки- лоти раҳбари. Демак парти- явий фаолият олиб бориш, сийсий ташаббускорлик хислатларини намойён эта олиш, таълим жараёнида- ги ислохотларга камарбаста бўлиш учун шароит, им- коният етарли, тингловчи кўп, эзгу ишларни қўллаб- қувватловчилар эса тагин- да бисёр.

(Давоми 2-бетда.)

ПАРТИЯ БЮДЖЕТИ ТАСДИҚЛАНДИ

Куни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийсий Кенгаши Ижроқўм Кўмитасининг мажлисида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси- нинг 2009 йил бюджетни масаласи кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Ўзе- бекстон "Адолат" СДП Сийсий Кенгаши Марказий аппарати раҳбари Равшан Ҳай- даров маъруза қилди. Муҳокамалардан сўнг партия бюджетининг жами даро-

мадлари ва харажатлари 587 154,2 минг сўм миқдоридида тасдиқланди. Улардан 498 053,0 минг сўми давлат бюджетидан, 89 101,2 минг сўми партия ташки- лотларининг аъзолик бадаллари тушум- ларидан молиялаштирилди. Партия бюджети юзасидан чиқарилган қарорда партиянинг нашрий органи — "Адолат" ижтимоий-сийсий газетасига моддий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган.

ЭА-ЮРТИМИЗ ОСОЙИШТАЛИГИНИНГ ИШОНЧЛИ ПОСБОНЛАРИ

Юртимиздаги тинчлик ва осойишталикини мустақамлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар идоралари ходимлари, хусусан, профилактика инспекторларининг хиссаси катта. Уларнинг халқ билан ҳамжиҳатлиги маҳаллаларимизнинг осуда ва ободлиги, хонадонларимиз хотиржамлигига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказиб келинган аъъанавий "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танлов маҳаллалардаги милиция таянч пунктлари инфратузилмаси ва фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида мазкур кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги, генерал-лейтенант Б.Матлюбов, Республика хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари М.Зуфарова ва бошқалар мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнаомлигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар самарасида ушбу тизим фўкарлар хуқуқ ва эркинликларининг ишончли химоячисига айланганини алоҳида таъкидлади. Бугунги кунда юртимизда 3,5 мингдан зиёд милиция таянч пункти фаолият юритмоқда. Уларнинг хузурида турли тўгарак-

лар, кичик бизнес шохобчалари, спорт майдончалари барпо этилган. Профилактика инспекторлари, маҳаллалар оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, хотин-қизлар кенгаши, яраштириш комиссияси ва посбонларнинг бир жойда, замонавий жиҳозлар ва зарур алоқа воситалари билан таъминланган биноларда фаолият юритаётгани иш самардорлигини оширмоқда. 2008 йил давомида 2694 маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани бунинг далилидир. Танловда Тошкент вилояти Бўка туманидаги "Маданият", Наманган вилояти Наманган туманидаги



"Хўжақшилок", Бухоро вилояти Когон шаҳридаги Файзулла Хўжаев, Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги Абдулла Қодирий номиди маҳаллалардаги милиция таянч пунктлари биринчи ўринни эгаллади. Голибларга "Matiz" автомашиналари тақдим этилди. — Узаро ҳамжиҳатлик, аҳиллик бор жойда хотиржамлик ва қут-барак бўлади, — дейди танлов голиби, Нишон туманидаги милиция таянч пункти профилактика инспектори Султонали Эшқурбонов. — Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан профилактика хизматининг ташкил этилгани ва тобора такомиллаштирилаётгани шу мақсадга хизмат қилмоқда. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди. **Суратда:** тадбирдан лавҳа. Норуз АБДУРАИМОВА, ҲА мухбири. АТҲРАЕВ (ҲА) ошган сурат.

Партиядошлар ИЖОЛИЧАН



АДОЛАТ МЕЗОНИ

Тарозига икки палла келса тенг, Ҳақиқат, ҳаолиқ кўрсатади юз. Аммо бир палласи оғирроқ бўлса — Бунда мувозанат бузилар сўзсиз.

Ҳақиқатсўй, сен ҳам бир тарозибон, Бир ёнга оғирсанг, у ёнга озор. Аммо ҳаммаша ҳам ҳақ томон бўлсанг — Адолат мезони бузилмас зинҳор.

Хуррам РАЙИМОВ, Девон тумани.

БОЛАЖОНЛАРГА ТУХҒА

Муқимий номидиги Ўзбек Давлат мусикали драма театрида Тўра Мирзо қаламига мансуб, дебютант-режиссёр Нилуфар Пардаевнинг "Сохта малика" спектакли премьераси бўлиб ўтди. Инсонийлик, пок ҳис-туйғулар ҳақидаги ушбу эртак-спектаклдаги бош ролларни Д.Иброҳимова ва М.Ортиқовлар ижро этишган бўлишса, унинг сахна безагини Ш.Абдумаликов, мусикасини Ж.Ортиқовлар яратган. Соғда ва қизиқарли сюжетга ага бўлган ушбу спектакль болажонлар учун ҳақиқий туҳфа бўлди... ҲА мухбири.

Маданият

ХОРИЖЛИКЛАР ҲАЙРАТИ

Маълумки, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан 2006 йилдан бери ўтказилиб келинган аъъанавий "Тасанно" кўрик-танлови ёшларимиз иқтидорини юзага чиқаришда, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим омили бўлмоқда. Бу анжуман истеъдодли болаларни кашф этиш, шунингдек, санъат гунаҳарини парварিশлаб, воёга етказиш вазифасини ўтамоқда. Шунингдек керакки, мазкур танлов голиблари халқаро кўриқларда ҳам муваффақиятли иштирок этишяпти. 2008 йилнинг ўзидеъ Ватанимизнинг 60 нафар ёшлари дунёнинг қатор мамлакатларида бўлишиб, санъат ихлосмандларини лол қолдиришди. Чунинчи, Миср, Италия, Франция, Руминия, Германия, Россия, Қозғистон, Украина шаҳарларида ўтказилган халқаро танловларда ўз ози ва овозига ага бўлган 36 нафар иқтидорли ёшлар энг юқори баҳога сазовор бўлишди. Шулардан Малика Исроилова, Нигора Нишонова, Шаҳзода Бўтаева, Алибек Абдурахмонов, Улуғбек Махмудов ҳамда Жамшид Рискневлар 1-ўринни эгаллаб, Гранпри сохибларига айланишди. Шу кунларда пойтахтимиздаги А.Навойи номидиги Давлат академик Катта театрида бўлиб ўтаётган "Тасанно" тақдирот маросими халқаро кўрик-танловларда голибликни қўлга киритган иштирокчилар ютуқларига бағишланган. Унда ёшларимиз эстрада ва академик хонандалиги, ракс, виолончел, рубоб, фортепиано, дутор, кларнет, скрипка ва торли чолгулар бўйича ўз санъатларини намойиш этишмоқда. Мухтасархон КАРИМОВА, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ходими.

Ўқинг, қизик ХУМО ҲАҚИДА НИМАЛАР БИЛАМИЗ?

Оғзаки ижод тури ҳар бир халқда бор ва ҳар бир халқнинг бебаҳо маънавий-маданий мероси ҳисобланади. Уларда миллиятпарварликка хос ташуунчалар, асоори-атикалар, тарихий обидалар, дидактик аҳамиятга молик мотивлар кўйланади. Бунга халқимизнинг кўплаб халқ оғзаки ҳамда ёзма ижодиёти ёркин далилидир. Шунингдек, дунё халқлари фольклоршунослигида тотем ташуунчасига кўра, турли халқлар турфа парранда-ю даррандаларни, жониворлар-у жонзотларни ўзларига раъзий ҳомий билиб, ҳозир ҳам бу аъъананага амал қилади. Масалан, элулус айрим афсонавий қушларни эъзозлашиб, уларни ҳатто ўз давлат байроқлари ва гербларига раъзий тасвирларини туширганлар. Масалан, оқ қабутга тинчлик раъзи сифатида қаралса, бўлбули сadoқат тисмоли, деб билинади ва ҳоказо. Шу боис, қушлар билан боғлиқ кўплаб воқеалар қадимий афсона ва достонларда мадх этилган. Ҳўш, биз, давлатимиз герби ўртасига тасвири туширилган раъзий қуш — "Хумо" ҳақида нималар биламиз? Тўғри, ўқув кўллнамаларида бу борада қатор маълумотлар бор. Хумо — бахт, иқбол раъми. Шунинг учун унинг тасвири қадим-қадимдан амалий санъатимизнинг нақшошлик, ганчкорлик, заргарлик, зардўзлик, каштачилик, кулолчилик каби турлари безакларида ҳам ишлатилиб келинади.

Варахшада олиб борилган археологик қазилмаларнинг бирида топилган ярми қуш, ярми аёл шаклидаги тасвир олимлиримиз эътиборини тортган. Қанотли ва қўш оёқли мазкур тасвир Семурғ (етти зултат ичидан олиб чиқувчи афсонавий қуш) сув муаққили Анахита билан боғлаб ифода этилган. Археологлар уни ибтдодий дунёқарашлар ва тасавурулар заминидеъ туртилган оқсақ санъат асаридеъ баҳолашди. Фарғонадан топилган VI асрга оид мис патнис ҳамда Самарқандда ўрганилган қовоққа ўхшаш топилма суратида Хумо ҳақида халқимиз тасавури ёркин акс этган. Уларнинг бирида қуш Кўёшга кўнган ҳолда ва пастроқда от минган йигит тасвири ифодаланган. Яъни, Кўёшга кўнган Хумо от минган йигитга соя (ҳимоя) ташлаб турибди. Бу ҳам афсонавий Хумо билан боғлиқ орзуларнинг қадимий санъат асарларида ифодаланган тисмолий кўринишининг бир тури. Ҳатто халқимиз орасида "Хумо кимнидир бошига соя солса, бахти чопиб, у тож-тахт эгаси бўлади", деган гап бор. Қолаверса, улугъ бобомиз Алишер Навоий ҳам ўз асарларида айнан Хумо тисмолни яратиб, уни "Хумой" тарзида тилга олганлар. Мухтасар айтганда, Семурғнинг Хумо вариантти гербимизга асос қилиб олинини беъжиз эмас. Сайёра ЎРИНБОЕВА, ҲАМУ журналистика факултети талабиси.

ЎРИНЛИ МУЛОҲАЗА

"Адолат"нинг шу йил 23 январь сонидеъ чоп этилган "Улоқми, эчкича?" сарлавҳали мулоҳаза ўрнида берилган мақола диққатимни тортди. Аввало шу мавзуда мулоҳаза юритган муаллифга раҳмат. Нераки, болаларимизни табиатдан узоклаштириб қўяётганимиз рост. Тўғри, илм-фан ривожланиб, фарзандларимиз китобий билимлардан ташқари, мукаммал компьютерлар билан ишлашнинг дунёнинг у бурчагидеъ тенгдошлари билан мулоқот олиб боришини, давлатларамиз олимпиадалар, чемпионатлар, қонкурсларда ўз иқтидорларини намойиш қилишини ўрганишяпти. Ҳаммаси аъло! Фақат табиатдан узоклашиб қолишяётгани афсусланарли. Анча бўлди, олий ўқув юртига аъло баҳолар билан ўқишга кирган бир талаба менинг ўзимдан сўрагани ҳали эсимда. "Ока, қўйнинг боласини қўзичоқ, сизнинг боласини бузоқ, отнинг боласини тойчоқ дейди. Эчкининг боласини нима дейди?" Мен аввалига кулдим. Унинг устимдан кулаяпти, деб ранжигандай бўлганимни кўрдим-у "улоқ" деб қўяқолдим. Орадан кунлар ўтиб, набирам мактабдан келиб, "бува, қорамолларнинг ургочисини сизгир, отникини бия, туаникини моя дейишди, чўчкининг ургочисини нима дейди" — деъ сўраб қолди. — Нимага керак бўлди сенга? — сўрадим ундан. — Болалар билан "спор"лашиб қолдик-де... — жавоб қилди у. — Чўчкининг ургочисини кўпчилик, ҳатто баъзи ёши катталар ҳам билишяпти. Лекин, тилимизда бор у сўз. Баъзида бировлар жанжаллашиб қолсалар ўша сўз билан сўкиш ўрнида ҳам ишла-

Бу турфа олам

КЕНГУРУ СУТИНИНГ ХОСИЯТИ



сақлаб қолиш мумкин, деган хулосага келинмоқда. Канберри университетининг профессори Жени Грейс бошчилигида бир гуруҳ олимлар томонидан олиб берилётган мазкур тажрибалар ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. Садохуддин СИРОЖИДИНОВ.

Акс-садо

қўй баалашини, эчки маърашини, мушук мивелашини, кучук ақилашини тушунтиргандеъ бўлдим ва туянинг бўзлашини айтдим. — Бўлди, бўлди, — эслади набирам, — қайсида кўшиқда "бўзлаб келар нор туя" деб айтади, тўғрими? — Тўғри, балли! — рағбатландирдим уни. Хуллас, демоқчиманки, "Улоқми, эчкича?" сарлавҳали мулоҳазали мақолада айтилганидек, болаларни табиат билан (айникса, шаҳар болаларини!) таништириб, ошнлаштириб бориш керак. Шунда улар ҳозир кўпчиликнинг уйлари тўлиб кетган қўғирчоқ кучукча, қўғирчоқ мушукча, сунъий гул, сунъий дарахтлардан кўра кўпроқ завқ олади, набобат ва ҳайвонот дунёсига меҳр соғинади. Номоз САЪДУЛЛАЕВ.

ҚОСИМОВ ТАНАЛАГАН УСУЛ

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг сафарда Бирлашган Араб Амирликлари футболчилари устидан сафар қучишини таъминлади



Шу кунларда Бирлашган Араб Амирликларида ўқув-машгулот йигинини ўтказяётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси чоршанба окшомида 2011 йили Доха (Қатар)да бўладиган Осиеъ чемпионати саралаш учрашувида мезбонларга қарши майдонга чиқди. Қаршига кўра, мусобақанинг «С» гуруҳида бу икки терма жамоадан ташқари Малайзия ҳамда Ҳиндистон футболчилари ҳам жой олганди. Аммо Ҳиндистонликларнинг ОФК кубоги бахсларида голиб чиққанликларини уларга Осиеъ чемпионатида тўғридан тўғри иштирок этиш ҳуқуқини берди. Натияжада гуруҳда кейинги босқичга бериладиган икки йўлланма учун урта терма жамоа курашадиган бўлди. Бундан бир ҳафта олдин бошланган бахсларнинг дастлабки турида Малайзия — БАА футболчилари ўзаро куч синнашиб, меҳмонлар рақиблари дарвозасига жавобсиз бешта тўп йўллашганди. Шу боис, БАА миллий

ҳужумкор ўйин намойиш этган Ўзбекистон миллий терма жамоаси 30-дақиқада ҳисобини очшига муваффақ бўлди. Элдор Магдеевнинг қанотдан узатиб берган тўпини Фарҳод Тожиев дарвозага аниқ йўллади. Гарчи ўйин охирига шу ҳисоб сақлиниб қолган бўлса-да, вакилларимиз ғалабага муносиб эканликларини амалда исботлашди. Осиеъ чемпионати саралаш бахсларининг ушбу турида бир қатор қўтиллаган натижалар қайд этилди: Таиланд — Эрон — 0:0, Индонезия — Австралия — 0:0, Сингапур — Иордания — 2:1, Бахрайн — Япония — 1:0. Энди Миржалол Қосимов шоғирдлари мазкур мусобақа доирасидеъ навбатдаги учрашувини шу йилнинг 14 ноябрда Малайзия терма жамоасига қарши ўтказдилар. Футболчиларимиз БААдаги ўқув-машгулот йигинида 2 февралда нихоясига етказишди. Шу вақт мубайнида Ўзбекистон миллий терма жамоаси 30 январда «Ал-Наср» (БАА), 1 февраль кунни эса, Озарбойжон миллий терма жамоалари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказишни режалаштиришган. Сўнгра ҳамоюрларимиз 11 февраль кунни Тошкентда 2010 йили ЖАРда бўладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувида Бахрайн миллий терма жамоаси билан куч синнашди. Соҳибда МАМАДИЕРОВА.

ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

www.adolat_gazeta.uz

Бош муҳаррир
Худоев МАМАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
0018 рақами билан рўйхатта олишган

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-55-64

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир ҳайъати

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА
Исмол САИФНАЗАРОВ,
Алишер МҲМИНОВ,
Жуманияз АЛИБЕКОВ,
Жовдатхон ИНОГОМОВ,
Зухра БОТИРОВА,
Иқбол МИРЗО,
Муҳаммад АЛИ,

Мамазоир ҲУЖАМБЕРДИЕВ,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Рашид АҲМАДАРОВ,
Руслан ХАЙДАЛИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Софир ТУРСУНОВ,
Светлана ОРТИКОВА,
Талъат МУРОДОВ.

Нашр учун масъул
Холтура ШАФОАТОВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)

• «Адолат»дан қўчириб босиш фақат таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси — 100

Набатчи муҳаррир — Саълолла АБДУРАҲМОНОВ
Набатчи — Фарҳод ЭСОНОВ